

ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ВА ПРОКУРОР БИЛАН АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ТУЗИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ВА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Тошқувватов Синдор Янгибой ўғли

Ўзбекистон Республикаси Хукукни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13841215>

Аннотация. Мақолада муаллиф томонидан айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институтининг моҳияти ва жамият учун фойдаси, ушбу институтнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилиниб, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув борасида қонунчиликдаги асосий қоидалар, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув тартибида иш юритишининг аҳамиятли жиҳатлари ҳамда мазкур институтнинг ижобий ва салбий томонлари ўрганилган.

Калим сўзлар: айб, айбга иқдорлик, айбга иқдорлик бўйича келишув, далиллар, жиноятни очишга қўмаклашиши, жиноят процессидаги имтиёзлар, қилмишни енгиллаштирувчи ҳолатлар.

ANALYSIS OF THE LEGISLATION AND THEORETICAL INFORMATION ON CONCLUDING A PLEA BARGAIN AGREEMENT WITH THE INVESTIGATING AUTHORITIES AND PROSECUTOR

Abstract. The article analyzes the essence and social benefits of introducing the institution of plea agreement into criminal process, the features of application of this institution, explores the main provisions of law regarding plea agreements, important aspects of plea agreement procedure, the advantages and disadvantages of this institution.

Keywords: guilt, plea guilt, plea bargain agreement, evidence, assistance in detection of crime, benefits in criminal process, mitigating circumstances of situation.

АНАЛИЗ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА И ТЕОРИТИЧЕСКИЕ СВЕДЕНИЯ О ЗАКЛЮЧЕНИИ ПРОЦЕССУАЛЬНОГО СОГЛАШЕНИЯ СО СЛЕДСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ ВА ПРОКУРОРОМ

Аннотация. В статье анализируются сущность и социальная польза внедрения в уголовный процесс института соглашения о признании вины, особенности применения этого института, исследуются основные положения закона касательно соглашений о признании вины, важные аспекты процедуры соглашения о признании вины, преимущества и недостатки этого института.

Ключевые слова: вина, признание вины, соглашение о признании вины,

доказательства, содействие в раскрытии преступления, льготы в уголовном процессе, смягчающие обстоятельства ситуации.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сон Қонуни суд-ҳуқуқ тизими фаолиятига қўплаб ўзгаришларни олиб кириб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу қонунга асосан жаҳон тажрибасида қўлланилиб келинаётган ва самарадор ёндашувлардан бири бўлган айбга иқрорлик тўғрисида келишув институти жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексига 62¹-боб қўшилди. Унда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ва уни тузиш шартлари тўғрисидаги 586¹-моддаси билан тўлдирилди.

Х.Д.Аликперов таъкидлашича, келишув жиноятчиликка қарши курашда бутун дунёда урф бўлаётган¹ жиноятчи ва жабрланувчи, жамият ўртасида мураса йўлини топиш концепциясида асосий ўрин эгаллайди. Шунингдек, Х.Д.Аликперов ва М.А.Зейналовларнинг қарашига кўра, жиноятчиликка қарши курашишда мурасага келиш тушунчаси остида, қонун чиқарувчининг айрим фуқароларни жиноятга қарши курашда фаол иштирок этишга қизиқтириш, бошқаларни эса – жиноят содир этишдан ихтиёрий воз кечишга, жиноят содир этишга улгурганни эса – жиноий судлов органлари билан уларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш ёки жазони белгиланган тартибда ва миқдорда қисқартириш эвазига ҳамкорлик қилишга ундаш тушунилиши керак².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол қўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишувдир.

Шу билан бирга, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек ўзи берган илтимосноманинг

¹ Аликперов Х.Д. Преступность и компромисс. – Баку, 1992; Он же. Освобождение от уголовной ответственности [Текст]. – М.: Институт повышения квалификации руководящих кадров Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 1999.

² Аликперов Х.Д., Зейналов М.А. Компромисс в борьбе с преступностью. – С. 46. 99

оқибатини англаб етган бўлса, илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ёки тергов органи томонидан қўйилган гумонни ёхуд айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далилларни, шунингдек етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаса ҳамда уни бартараф этган бўлган тақдирда тузилади.

Ўзбекистоннинг жиноят процесси учун янгилик бўлган айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институти ҳақида бир қанча олимларимиз илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Жумладан, ушбу мавзуда У.Тухташева, Г.Тулаганова, Б.Саломов, Д.Базарова, Д.Довудова, Т.Обидов, А.Курбанова, О.Тошев, З.Муқимова, С.Ишпулатов каби олимларимиз ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишган. Ушбу олимларимиз мазкур институтнинг умумий тушунчаси ва моҳиятига, унинг ўзига хос хусусиятларига, амалиётда қўллаш биан боғлиқ муаммоларга, ушбу институтни жорий этишнинг мақсад ва ижтимоий зарурати каби масалаларга тўхталиб, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институти бўйича ўз илмий қарашларини билдиришган.

Хусусан, Д.Довудова қарашига кўра, мазкур институтнинг моҳияти айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув тузган шахсга қонун доирасида муайян енгиллик бериш орқали жиноятни тез ва тўла очиш, жиноят содир этишда иштирок этган бошқа шахсларни аниқлаш, етказилган зарарни бартараф этиш орқали ишни соддалаштирилган тартибда юритишдир.³

О.С.Тошевнинг фикрига кўра, келишув институтини қўллашда энг жиддий қийинчилик шахсни ноқонуний ва асоссиз айблаш, ҳукм қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини асоссиз чеклашдан ҳимоя қилиш функциясини амалга оширишдир. Бу хатарлар келишув субъекти томонидан айбдорнинг содир қилган қилмишидаги ролини камайтириш мақсадида бошқа шахсларнинг мазкур жиноятга алоқадорлиги тўғрисида нотўғри маълумотлар бериш эҳтимоли билан боғлиқ⁴.

Хорижий давлатларда ушбу келишув институти анча узоқ тарихга эга бўлиб, амалиётда анча вақтдан бери муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда. Шунинг учун хорижий давлатларда ушбу институт бўйича маълум юридик амалиёт ва илмий доктрина шаклланиб улгурган. Бу борада Ҳ.Жохн. Э.Череминский, Л.Левенсон, Г.Асесес, М. Вогел, М.Ворк, М.Пешков, Ю.Кувалдин, В.Махов, А.Бочкарев, Н.Дубовик каби олимларнинг

³ Довудова Д. Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институтининг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммолари. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 01 (2023) / ISSN 2181-1415 1-9-бетлар.

⁴ Тошев О.С. Жиноят процессига айбга иқдорлик тўғрисида келишув институтининг жорий этиш мақсади ва ижтимоий зарурати. / Юрист ахборотномаси. -Т, 2022 5-сон, 2-жилд, 103-110-бетлар.

илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Жиноят-процессуал ҳуқуқида “Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув”нинг моҳияти бўйича олимлар томонидан қуйидагича фикр-мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, И.Э. Звечаровскийнинг қайд қилишича, мазкур институтни киритишнинг мақсади – посткриминал ижобий ҳуққни рағбатлантириш бўлса⁵, А.С. Александров, А.Ф. Кучин, А.Г. Смолинларнинг қарашига кўра, жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан судгача келишув институти шахснинг жиноий жавобгарлигини индивидуаллаштиришнинг ҳуқуқий воситаси, жиноят процессуал нуқтаи назаридан-соддалаштирилган иш юритиш ва суд қарори чиқариш воситаси саналади⁶. М.В. Головизнин ҳам, ғояни қўллаб қувватлайди⁷.

Э.Н. Жевлаков фикрига кўра, судгача бўлган ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг моҳияти шундан иборатки, гумон қилинувчи ёки айбланувчи жиноятни фош этиш ва тергов қилиш, жиноят содир этган бошқа шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш, мол-мулкни топишда терговга ёрдам беришга жазони сезиларли равишда камайтириш эвазига мажбуриятни олади⁸.

П.С.Элкинднинг нуқтаи назаридан, жиноий иш юритишда соддалаштирилган шаклдан фойдаланиш жиноят иши бўйича далилларни тўлиқ тўпланмаслигига (бунда шахснинг ўз айбига иқдор бўлиши устуворлик касб этади) суд мажлисида иш бўйича тўпланган далилларнинг ўрганилмаслигига ёки тўлақонли тартибда ўрганилмаслигига, суд жараёнининг тарбиявий таъсири камайишига олиб келиши мумкин.⁹

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекснинг 586⁵-моддасида айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувнинг мазмуни батафсил келтирилган.

Унга кўра, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувда келишув тузилган сана ва жой, келишув тузаётган прокурор тўғрисидаги маълумотлар, келишув тузаётган гумон қилинувчининг, айбланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, бошқа маълумотлари, ҳимоячи ҳақидаги маълумотлар, жиноят содир этилган жой ва вақтнинг, шунингдек исботланиши лозим бўлган бошқа ҳолатларнинг тавсифи, Жиноят кодексининг

⁵ Звечаровский И.Э. Судга қадар бўлган ҳамкорлик тўғрисидаги келишув институтининг юридик хусусияти / И.Э. Звечаровский // қонунийлик. – 2009. – № 9. – С. 14–16.

⁶ Кучин А.Ф. РФ ЖПК 40 боби билан тартибга солинган институтнинг ҳуқуқий хусусияти / А.Ф. Кучин, А.Г. Смолин, А.С. Александров // Россия судлари. – 2007. – № 7. – С. 16–19.

⁷ Головизнин М.В. Ҳамкорлик тўғрисидаги судга қадар келишувни тузишда суд қарорларини қабул қилишнинг ўзига хос тартиби: юр.фан. ном.диссер / М.В. Головизнин. – М., 2012. – С. 250.

⁸ Жевлаков Э.Н. жазонинг моҳияти: магистрантлар учун ўқув қўлланма / Э.Н. Жевлаков. – М.: Проспект, 2015. – 88 с. – С. 33.

⁹ Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Элkind П.С. Проблемы доказательств в уголовном процессе. Воронеж, 1978. С. 88–89. Подобной позиции придерживается и М.С. Строгович. (Қаранг.: Строгович М. С. О единой форме уголовного судопроизводства и пределах ее дифференциации // Сос. законность. 1974. № 9. С. 50–53.).

мазкур жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, қисми, банди, гумон қилинувчига, айбланувчига қўлланилиши мумкин бўлган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш тартиби, содир этилган жиноятни фош этиш, жиноят иши бўйича далилларни тақдим этиш, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкни аниқлаш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи келишув имзоланганидан кейин бажаришни ўз зиммасига оладиган ҳаракатлар, етказилган зарарнинг миқдори ва унинг ўрни қопланиши, Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекси 586³-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган шартларни бажармаганлик оқибатлари кўрсатилган бўлиши керак.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида бир неча шахс жалб этилган бўлса, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчи билан алоҳида-алоҳида тузилади.

Келишув прокурор, гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси томонидан имзоланади. Келишув имзолангунига қадар гумон қилинувчи, айбланувчи келишув тузиш масаласини ва унинг оқибатларини ҳимоячи билан холи қолиб ва махфий ҳолда муҳокама қилиш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида бериши мумкин. Келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва, агар ишда қатнашаётган бўлса, қонуний вакили томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Илтимосномада гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ва дастлабки терговда қўйилган гумонни ёки айбловни тан олиши, далилларни инкор қилмаслиги, жиноятни тергов қилишга қўмаклашиши, жиноят натижасида олинган мол-мулкнинг топилиши учун қайси ҳаракатларни амалга ошириш шартлигини, жиноятга алоқадор бошқа ахборотни тақдим этишга доир мажбуриятларини ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарар бартараф этилганлигини кўрсатади. Келишув тузиш ҳақидаги илтимосномада гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан бажариладиган ва жиноятни фош этиш учун қўмаклашадиган муайян ҳаракатлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Қолаверса, 586³-моддаси айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосноманинг прокурор томонидан кўриб чиқилиши белгиланди. Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома жиноят ишини юритаётган суриштирувчига, терговчига тақдим этилади. Суриштирувчи, терговчи айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш тўғрисидаги илтимосномани олган пайтдан эътиборан йигирма

тўрт соат ичида жиноят иши материалларини келишув тузиш масаласини ҳал қилиш учун прокурорга юборади. Прокурор келишув тузиш тўғрисидаги илтимосномани у келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида суриштирувчи ёки терговчи ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси иштирокида кўриб чиқади ва ушбу Кодекснинг 586¹-моддасида кўрсатилган талабларга риоя этилганлигини текширади. Зарур ҳолларда, прокурор жабрланувчини ёки фуқаровий даъвогарни ҳам келишув тузиш масаласини кўриб чиқиш учун жалб қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига янги киритилган 57(2)-моддага кўра айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинладиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

Бу шуни аниқлатадики, шахс қиссавурлик йўли билан содир этган ўғрилик жинояти учун амалдаги жиноят қонунига 169-моддаси 2-қисми «а» бандига кўра энг юқори жазо уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши лозим бўлган ҳолатда унга нисбатан ушбу жазо муддати ёки миқдорининг ярмидан ошмаган ҳолда жазо тайинланади. Масалан, жиноят ишлари бўйича суд ушбу шахсга беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинламоқчи бўлса, унинг ярми икки ярим йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди.

Мазкур киритилган ўзгартиш жиноят қонундаги инсонпарварлик принципини амалда кенг қўлланилишини таъминлайди. Ҳақиқатда жиноят содир этган шахс ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган бўлса, суд томонидан унга тайинладиган жазо амалдаги жиноят қонунда назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмайди.

Юқоридагиларни умумлаштириб, келишув тузишда *айблов томоннинг мақсади* куйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

- содир этилган жиноятни тезкорлик билан фош этиш;
- айбланувчи томонидан жиноят содир этиш натижасида олинган моддий қимматликларни топиш ва қонуний мулкдорга қайтариш;
- жиноятни содир этишда иштирокчи мавжуд бўлса, улар юзасидан маълумот олиш (аммо бу, фақат келишувда айбланувчи бундай маълумот беришга розилиги олинган бўлса, амалга оширилади);

- жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш;
- жиноят содир этган шахсга унинг ижобий хулқ-атворидан келиб чиқиб, мос енгилроқ жазони тайинлаш.

Ўз навбатида, *гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг келишув тузиши тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишдан асосий мақсади* – бу, шубҳасиз, қилмиш учун жазони имкон қадар камайтириш ёки уни ўташдан халос бўлиш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазодан қутулиб қолишдир.

Айбга икромлик тўғрисидаги процессуал келишувнинг жиноий процессуал механизми қуйидаги мақсадларга эга:

биринчидан, келишувининг **ижтимоий-ҳуқуқий мақсади** қуйидагиларда намоён бўлади:

- жиноятчиликка қарши кураш;
- жиноий жавобгарликка тортилган шахсни дастлабки тергов босқичида ахлоқан тузалишига кўмаклашиш;
- жиноятларни индивидуал ва умумий олдини олиш;
- қўриқлаш функциясини бажариш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ҳақиқатда кўмаклашган шахсга тезкор, енгил шартлардаги ахлоқан тузатиш чораларини қўллаш;
- латент жиноятчилик даражасини, очилмай қолган жиноятлар сонини камайтириш.

Иккинчидан, келишув механизмнинг **жиноят-процессуал мақсади** қуйидагилардан иборат:

- жиноятларни тез ва самарали аниқлаш ва тергов қилиш;
- процессуал чиқимларни тежаш;
- жиноий суд иш юритувини мақбул тарзда ташкил этиш;
- айблов ва ҳимоя томонлари ўзининг процессуал фаолияти мақсадига эришишига кўмаклашиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам берган шахсга жазонинг енгиллаштирилишини кафолатлаш;

- жабрланувчига етказилган зарарни тезкор ва амалда қопланишини таъминлаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **айбга икромлик тўғрисидаги келишув институтининг ўзига хос хусусиятларини** санаб ўтсак:

1. ўзига хос процессуал муддатларнинг мавжудлиги, яъни суриштирувчи ёки терговчи илтимосномани жиноят иши ҳужжатлари билан бирга 24 соат ичида прокурорга

юбориши, илтимосномани прокурор 72 соат ичида кўриб чиқиши ва ҳ.к;

2. иш юритиш бўйича процессуал ҳужжатларига эга эканлиги, яъни гумон қилинувчи, айбланувчининг илтимосномасига асосан айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузиши, иш натижаси бўйича қарор ва ҳукм чиқарилиши, суд мажлиси баённомаси юритилиши ва ҳ.к;

3. келишув тузишнинг процессуал асослари борлиги, яъни айбга иқдорлиги, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берганлиги, етказилган зарарни бартараф этиши, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятларга қўлланилиши;

4. процессуал шартларига эга эканлиги, яъни гумон қилинувчи ёки айбланувчи ўз ҳаракатларининг моҳиятини, шунингдек, ўзи берган илтимосноманинг оқибатини англаб етган бўлиши; илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувдан кейин берилган бўлиши; айбловни тан олиб, далилларни, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаслиги ҳамда бартараф этган бўлиши;

5. иш юритишнинг процессуал тартиби мавжудлиги, яъни соддалаштирилган тартибда ўзининг алоҳида иш юритиш қоидаларига эгаллиги, айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузишда суд тергови ўтказилмаслиги;

6. процесс иштирокчилари доирасининг мавжудлиги, яъни иштирок этиш ҳуқуқи бўлган иштирокчилар (жабрланувчи, уларнинг вакиллар ва ҳ.к); иштирок этиш мажбурий бўлган иштирокчилар (айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузишда ҳимоячи иштироки шарт эканлиги, прокурор иштироки);

7. моддий ҳуқуқ нормасини қўллашдаги хусусияти: келишув тасдиқланса, жиноят содир этган шахсга жазо тайинлашнинг алоҳида қоидаси белгиланганлиги.

Ҳар бир соҳада жорий қилинган янги процессуал институт амалиётда қўлланилиши натижасида юзага келган камчиликлар бартараф этилиб, такомиллашиб боради. Мавжуд статистик маълумотларга кўра, республика бўйича жами 2021 ва 2022 йилнинг 9 ойида айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув 99 та жиноят иши бўйича қўлланилган бўлиб¹⁰, ушбу кўрсаткич судлар томонидан кўрилган жами жиноят ишлар сонига нисбатан жуда кам эканлигини кўрсатади. Демак, амалиётда айбга қирорлик тўғрисидаги келишувни кам қўлланилишининг сабаби ушбу институт янги бўлганлиги билан бирга, уни қўллашда баъзи муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатади.

¹⁰ Довудова Д. Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институтининг ҳуқуқни қўлаш амалиётидаги муаммолари. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 01 (2023) / ISSN 2181-1415 1-9-бетлар.

Биринчидан, суд тарафлар тузилган келишувдан воз кечса, келишувни тасдиқлашни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради ва жиноят ишини умумий қоидалар бўйича тергов қилиш ёки келишувни қайта кўриб чиқиш учун прокурорга юборади.

Иккинчидан, суд келишувда назарда тутилган судланувчига қўйилган айбловда жиноятнинг малакаланишга тааллуқли шартларга рози бўлмаса, суд айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни рад этади ва жиноят ишини прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

Амалиётда прокурорлар жиноят иши терговга қайтарилгандан кўра, уни умумий асосларда айблов хулосаси судга юборишни маъқул кўришмоқда.

Бизнинг фикримизга кўра, ушбу ҳолатларда суд жиноят ишини прокурорга қайтармасдан умумий асосларда суд муҳокамасида кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг махсус қисмида назарда тутилган жиноятлар бўйича белгиланган жазонинг оғирроғини тайинлаган ҳолда ҳукм чиқариши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, айблов ва ҳимоя томонлари ўзининг процессуал фаолияти мақсадига эришишига кўмаклашиш мақсадида, ЖПКнинг 586²-моддасига гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани нафақат суриштирув ва дастлабки тергов босқичида, балки **суд иш юритуви босқичида ҳам бериши мумкинлигини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.** Чунки, айбланувчи фақатгина жиноят иши материаллари билан танишгандан сўнг онгли тарзда келишувнинг оқибатларини ҳисобга олиб, ҳар томонлама ўйланган ва ҳисоб-китоб қилинган қарор қабул қилиши мумкин бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023. 136-модда. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сонли Қонунига асосан киритилган-Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 18.08.2021 й. 03/21/675/0126-сон.
3. Аликперов Х.Д. Преступность и компромисс. – Баку, 1992; Он же. Освобождение от уголовной ответственности [Текст]. – М.: Институт повышения квалификации руководящих кадров Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 1999.
4. Аликперов Х.Д., Зейналов М.А. Компромисс в борьбе с преступностью.– С. 46. 99

5. Довудова Д. Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институтининг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммолари. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 01 (2023) / ISSN 2181-1415 1-9-бетлар.
6. Тошев О.С. Жиноят процессига айбга иқдорлик тўғрисида келишув институтининг жорий этиш мақсади ва ижтимоий зарурати./ Юрист ахборотномаси. -Т, 2022 5-сон, 2-жилд, 103-110-бетлар.
7. Звечаровский И.Э. Судга қадар бўлган ҳамкорлик тўғрисидаги келишув институтининг юридик хусусияти / И.Э. Звечаровский // қонунийлик. – 2009. – № 9. – С. 14–16.
8. Кучин А.Ф. РФ ЖПК 40 боби билан тартибга солинган институтнинг ҳуқуқий хусусияти / А.Ф. Кучин, А.Г. Смолин, А.С. Александров // Россия судлари. – 2007. – № 7. – С. 16–19.
9. Головизнин М.В. Ҳамкорлик тўғрисидаги судга қадар келишувни тузишда суд қарорларини қабул қилишнинг ўзига хос тартиби: юр.фан. ном.диссер / М.В. Головизнин. – М., 2012. –С. 250.
10. Жевлаков Э.Н. жазонинг моҳияти: магистрантлар учун ўқув қўлланма / Э.Н. Жевлаков. – М.: Проспект, 2015. – 88 с. – С. 33.
11. Горский Г.Ф., Кокорев Л.Д., Элкин П.С. Проблемы доказательств в уголовном процессе. Воронеж, 1978. С. 88–89. Подобной позиции придерживается и М.С. Строгович. (Қаранг.: Строгович М. С. О единой форме уголовного судопроизводства и пределах ее дифференциации // Сос. законность. 1974. № 9. С. 50–53.).